**ШАРТНОМА № 3**

**Сикилган газ етказиб бериш буйича**

Гулистон т. 2022 й «13» 01

Низом асосида фаолият юритувчи куйида «Таъминотчи» деб юритилувчи рахбар Муминова У. номидан «ГУЛИСТОН ГАЗ СЕРВИС» ХК бир томондан ва иккинчи томондан кейинчалик «Истеъмолчи» деб аталувчи рахбар «Гозалар шахарчаси» номидан Б. Юлдашев куйидагича шартнома туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 «Таъминотчи» махсулот етказиб беришнинг бажарилишини буйнига, «Истеъмолчи» эса тулаш ва муддатни белгилашни амалга оширади:

| Махсулот номи | Улч. бир | Бир йил учун таъминлаш Жами: | Жумладан чораклар буйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| Газ балонли автомобиллар учун сикилган табиий газ | $м^3$ | 800 | 800 | — | — | — |

1.2 Етказиб бериш «Истеъмолчи» газ балонларини «Таъминотчи»нинг автомобилга газ тулдириш компрессор станциялари (АГНКС) дан тулдириш йули билан амалга оширилади.
1.3 Етказиб бериш (таъминот) вакти булиб «Истеъмолчи» автомобилини тулдириш вакти хисобланади.

## 2. ТУЛОВ

2.1 Шартноманинг умумий нархи у тузилган вактда 2000000 сумни ташкил килади хамда шартнома тузилган вакитда 1 куб метр сикилган газнинг нархи 2500 (Икки минг беш юз ) сум (акциз солик ва ККС билан) килиб белгиланди ва хом ашё, махсулотлар, ёкилги-энергетика ресурслари нархи узгаришига караб ва шунингдек, Узбекистон Республикаси хукуматининг хукукий хужжат ва карорларининг узгаришига караб узгартирилиши мумкин.
2.2 Сикилган газ учун тулов банк коидаларига мувофик амалдаги конуннинг шаклларида амал килган холда реестрга кура етказиб берилган кундаги газ нархида булади (туланади).
2.3 СТГ (сикилган табиий газ) ёкилгисини жунатиш ведомостлар буйича, урнатилган шаклда туловни 100% олдиндан тулаб ва «Таъминотчи» хисоб ракамига пул келиб тушганидан сунг бажарилади. Олдиндан тулаш амалга оширилмаган холатда «Таъминотчи» газ етказиб беришни кискартириш еки тухтатиш хукукига эга.
2.4 Агарда зарур холларда тарафларнинг келишувига кура «Истеъмолчи»га реестрга кура сикилган газ махсулоти олиндан етказиб берилса, хар ойининг охирида тарафлар уртасида таккослаш далолатномаси тузилиб, «Истеъмолчи» томонидан 5 кундан кеч булмаган муддатда газ истеъмоли хаккини тулаб беради. «Истеъмолчи» хар ойнинг якунида таккослаш далолатномаси тузишдан бош тортса ёки уни рад этса «Таъминотчи» тузилган реестрга асосан етказиб берган газ хаккини талаб килиб олиш хукукига эга. «Истеъмолчи» газ хаккини шартнома муддатида тулаб бермаса хар бир кун учун туланмаган сумманинг 0,4% микдорида пеня тулайди, лекин бу туланмаган сумманинг 50% дан куп булмаслиги лозим.
2.5 «Истеъмолчи» автомобилдан фойдаланиш вактида унинг техник холати ва техник хавфсизлиги учун тулик жавобгарликни уз буйнига олади.
2.6 «Истеъмолчи» куйидагиларга мажбур:
а) газдан ва газ баллонли автомобиллар фойдаланиш масалалари буйича барча амалдаги коида, техник шартлар, кулланма ва коидаларни аник бажариш (риоя килиш);
б) газ баллон ускунаси ва автомобилнинг эхтиет кисмларини яхши холатда саклаш;
в) йул хужжатида баллонлар сонининг техник ахволи ва уларнинг геометрик хажми буйича илова булиши;
г) автомобилни урнатилган холатда газга тулдириш буйича рухсат олиш;
д) автомобилнинг техпаспортида (махсус иловасида) баллонларнинг умумий, геометрик хажмининг 0,5 аникликдаги сони булиши, шунингдек махсус автомобил кисмларига езиб куйиш.
2.7 «Таъминотчи» ва «Истеъмолчи» сикилган газни бир маромда бир ой мобайнида газ хажмининг уртача бир суткалик нормаси чегарасида бериш ва олишлари керак.

Сикилган газдан фойдаланиш буйича келгусида буладиган узгаришлар хакида «Истеъмолчи», «Таъминотчи»ни квартал бошигача 15 кундан кам булмаган муддатда езма равишда еки телефон оркали огохлантириб куйиши керак.

АГНКС ускуналарини жорий капитал ремонт килинаетганда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни уч суткадан кечикмай, капитал ремонтда эса иш бошлинишидан 15 кун огохлантириш лозим.
2.8 «Таъминотчи» куйидагиларга хаклидир:
а) автомобилнинг газ ускуналаридан фойдаланиш, улчов-назорат асбоблари ва тугрилигини текшириш.